

**KOGON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

200726, Kogon shahar,
Qorovulbozor shox ko'chasi, 2-uy.



**КАГАНСКИЙ МЕЖРАЙОННЫЙ
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД**

200726, город Каган,
проспект Караулбазар, дом 2.

Tel: (0365) 52-4-63-18, Fax: (0365) 52-4-60-87, web site: www.oliysud.uz, e.mail: i.kogon@sud.uz

АЖРИМ

(келишув битимини тасдиқлаш ҳамда иш бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида)

Когон шаҳри

2022 йил 19 май

4-2002-2201/213-сонли иш

Когон туманлараро иқтисодийсуди судья М.Болтаев раислигида, судья ёрдамчиси М.Насуллоева котиблигида, муваққат бошқарувчи И.Маматназаров ҳамда кредитор вакили У.Тойиров (2021 йил 5 июлдаги 338-сонли ишончномага асосан), қарздор вакиллари Д.Зиёдуллаев, Н.Камолов (2022 йил 14 апрелдаги 15-01-300-сонли ишончномага асосан)ларнинг иштирокида, кредитор “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятининг, қарздор “[REDACTED]” унитар корхонасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни очик суд мажлисида кўриб чиқиб,

а н и қ л а д и:

Тарафлар ўртасида 2021 йил 2 февралда 153-сонли, 154-сонли ва 2021 йил 5 апрелда 296-сонли, 20 апрелда 328-сонли, 18 майда 392-сонли ҳамда 393-сонли ёнилғи маҳсулотини етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузилган. Кредитор ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариб, ҳисоб фактураларга асосан қарздорга ёнилғи маҳсулотларини етказиб берган.

Бироқ, қарздор даъвогар олдидаги мажбуриятларни тўлиқ бажармасдан келган, яъни етказиб берилган маҳсулот учун тўловлардан 1.181.762.793 сўмлик қарздорликни тўламаган.

Натижада кредитор судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қарздордан асосий қарз ва унга ҳисобланган пеня суммасини ундиришни сўраган.

Суднинг 2021 йил 20 августдаги 4-2001-2105/2569-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Махсус монтаж ва механизация” унитар корхонасидан кредитор фойдасига 1.181.762.793 сўм асосий қарз, 195.000.000 сўм пеня, олдиндан тўланган 19.600 сўм почта харажати ундириш белгиланган.

Суднинг 2021 йил 21 сентябрдаги ижро ҳужжати мажбурий ижро бюросига тақдим этилган. Қарздорлик қисман қопланиб, “Махсус монтаж ва механизация” унитар корхонасининг кредитор олдидаги қарз 1.080.978.393 сўмни ташкил қилган. Мазкур қарздорлик бугунги кунга қадар тўлаб берилмаган.

Кредитор томонидан қарздорни молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги ўтказилганда қарздорнинг банк олдидаги қарздорлигидан ташқари бошқа кредиторлар олдида қарздорлиги мавжудлиги аниқланган.

Қарздор қарздорликни уч ой ва ундан кўп муддатда тўлаб бераолмаслиги инобатга олиб, кредитор қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Суднинг 2022 йил 14 мартдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши кўзгатишга ва



кузатув жорий этилган ҳамда И.Маматназаров муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

Суд мажлисида кредитор вакили кузатув жараёнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганлиги, унинг натижасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланганлиги, шу сабабли қарздор ҳамда кредиторлар ўртасида келишув битими тузилганлиги, кредиторларни биринчи йиғилишида эса кредиторлар томонидан келишув битимини тасдиқлаш ва иш бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида илтимоснома билан иқтисодий судига мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини маълум қилди.

Муваққат бошқарувчи унга юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланганлиги, кредиторларнинг талаблари реестри тузилганлиги, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганлиги, кредиторларни биринчи йиғилиши чақирилиб ўтказилганлиги, унда қарздор ҳамда барча кредиторлар ўртасида келишув битими тузилганлигини баён қилди. Шунингдек, қарздорнинг муваққат бошқарувчиси вазифасига И.Маматназаров номзоди маъсулланганлиги ва суд бошқарувчисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баравари миқдорида иш ҳақи белгиланганлигини маълум қилди.

Суд мажлисида қарздор вакиллари кузатув жараёнида қарздор ҳамда кредиторлар ўртасида келишув битими тузилганлигини, кредиторларни йиғилишида кредиторлар томонидан келишув битимини тасдиқлаш ва иш бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида илтимоснома билан иқтисодий судига мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини билдириб, келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатишни сўрашди.

Суд, муваққат бошқарувчи ҳамда тарафлар вакиллариининг фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра келишув битимини тасдиқлаш ва иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, суднинг 2022 йил 14 мартдаги ажрими билан кредиторнинг аризаси иш юритишга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жорий этилган. Кузатув жараёнида муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланган, кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинган, кредиторларнинг биринчи йиғилиши чақирилиб ўтказилган.

2022 йил 21 апрелда кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиб, унда қарздор ҳамда унда келишув битимини тузишни ёқлаб овоз берилган.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 161-моддасига мувофиқ Қарздор ва кредиторлар суд томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битимини тузишга ҳақли.

Кредиторлар номидан келишув битимини тузиш ҳақидаги қарор кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарори биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ кредиторларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ҳамда қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.



Ҳужжат имзоланган: Болтаев Музаффар Исмаилович, 23.05.2022

